

6

Эй, нубувват хайлига хотам баний Одам аро,  
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.

Юз эшигинг туфрогига сурта олгайменму деб,  
Чарх касридин куёш хар кун тушар олам аро.

Анжум ичра оразинг меърож шоми уйлаким,  
Тушса дурри шабчароге хар тараф шабнам аро.

Не учун киймиш кора харён солиб жайбига чок,  
Фуркатингдин Каъба гар колмайдурур мотам аро,

Соф кўнглида юзунг мехрини гўё асрамиш,  
Туш чоги хар кун куёш акси эмас Замзам аро.

Машъале бўлмиш малак илгида равзанг бошига,  
Ой чароги кечалар бу нилгун торам аро.

Кум эмас Батходаким, мехри жамолинг хажридин  
Зарра-зарра жисми бир-бирдин тўкулди гам аро

Йўл эмас, Ясрибда йиртибдур юзин тирног ила  
Макдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.

Итларинг махсусу махзундур Навоий, кошки  
Кирса бу махрум хам ул зумрайи махрам аро.

7

Зихе жавлонгахинг афлок уза майдони «ав адно»,  
Бурокингга тўкуз гунбад бу тўккуз гунбади хазро.

Килиб чун хай гулоби майл наълайнинг, бўлуб андин  
Малак раъноларининг жабхасига чарх сандалсо.

Эсиб рахмат насими чун дамодам сунбулунг сари,  
Бўлуб рухонийлар жайби лаболаб анбари соро.

Фалак колиб бурукингдин, эмас васфи фалаксуръат,  
Камар ёруб жамолингдин, эмас наътинг камарсиймо.

Юзунгдин анжум, анжумдин куёш нур иктисоб айлаб  
Анингдекким, куёшдин ою ойдин кийргун габро.

Фалак водийлари катъига азминг чун суруб маркаб,  
Хирад пайкига хам аввал кадамда ранж ўлуб пайдо.

Рафикинг тойир андоқким Сулаймон оллида худхуд,  
Бурокинг сойир анжум шохи устинда сипехросо.

Килиб бу сайр аро маъшук васли кўйида манзил,  
Тилаб саргашта ушшокига хам рахмат уйин маъво.

Навоий хуш кўрар оламини отинг зикридин, йўкса,  
Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёву мо фихо.

40

Зихе висолинга толиб тутуб ўзин матлуб,  
Мухаббатидин отингни хабиб атаб махуб.

Уружунг акшоми бўлмаи тўкуз сипехр хижоб,  
Юзунг хижолатидин меҳр ўлуб вале махжуб.

Ўт ичра тушса бўлур нисбати самандардек  
Кишики, ишкинг ўтига ўзин килиб мансуб.

Итинг хисобига кирган хисоб вақтида,  
Агарчи журми эрур беҳисоб, эмас махсуб.

Китобат этмаганингдин каламда нол эрмас  
Ки, тушти кўнгли аро тоб уйлаким мактуб.

Либоси мотам аро колди то абад соя  
Ки, меҳридин нега ёнингда бўлмади масхуб.

Мутиъи амринг агар подишоҳ, агар сойил,  
Гадойи хонинг агар хушманд, агар мажзуб.

Ажаб йўк олса кўнгул хушин ул ики гесу,  
Бу бўлса силсила, кўп телбани килур маглуб.

Тиласа равзани соҳид, Навоийю кўюнг  
Ки, хар киши ани истарки, бор анга маргуб.

89

Качонки ул бути ширин калом килди хадис,  
Хавосе шарбати юхйил-изом килди хадис.

Масих дам ура олмас анга уруж туни,  
Магар бизинг махи улвий хиром килди хадис.

Каёнки ёзди хадис, ўлди сайд эл гўё  
Нуктани дона, хутутини дом килди хадис.

Лабидин айру тушуб сўг учун китобатдин,  
Не тонг, либосин агар мушкфом килди хадис.

Чибинни шахд нечукким йигар, такаллумдин  
Рамидаларни нафас ичра ром килди хадис.

Зихе такалуми муъжизнизомким, келгач,  
Араб фасихларига харом килди хадис.

Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла,  
Магар Расули алайхиссалом килди хадис.

94

Чарх изинг гардига килди кавкаби сайёр харж,  
Жавхар олмокга ганий килган кеби динор харж.

Сойиру собит нисоринг килса тонг йўкким, бўлур  
Кечкурун шох ўлса мехмон, кимсага бисёр харж.

Накди рахмат харжинг этса хак, не тонг, улким топар,  
Сен кеби махбуби васлин, айлагай ночор харж.

Фош этиб накди шафоат килдинг умматни халос,  
Айлагандек накдини топкан кизик бозор харж.

Бахри рахматдинки, топтинг, халк уза бир катра бас,  
Гарчи тенг авлодур этмак дахл ила изхор харж.

Магфират ганжи санга тамлик эрур, мониъ эмас,  
Айласанг исёни кўп умматка хар микдор харж.

Сен киму наътин демак, тил асрагил кўп нуктадин,  
Эй Навоий, маърифатни килма хар не бор харж.

101

Зихе тилинг ана афсах такаллумида фасих,  
Сен амлах ўлдунг, агар дилраболар ўлди малих.

Тулуъи субхи саодат юзунг сабохатидин,  
Зихе камоли сабохат, зихе жамоли сабих.

Хаамири мояйи жисмингдин ортканни казо,  
Ики баданда килиб рух атади Хизру Масих.

Фалакни чок килиб ўтганингда гар баъзи  
Таваххум айлади, шақкул-камарда бўлди сарих.

Кадам куёш уза кўйдунг уруж шомини не тонг,  
Кафингни гар яди байзога килсалар таржих.

Эрур каломеким, анда хуруфи иллат йўк,  
Каю хадиски, сендин баёнга келди сахих.

Эмас Навоюю мадхинг демакка хад, басдур  
Анга бу кадрки, модихларингга бўлса мадих.

104

Нега кўргузди совуг оху сариг рухсор субх,  
Гар нихоний мехридин мендек эмас бемор субх.

Гар хавойий бўлмаса мен телба янглиг, бас недур,  
Кўнглакин чок айлабон тог узра мажнунвор субх.

Мехридин мендек нихоний тоза доги бўлмаса,  
Юзда невчун кавкаби ашкин килур изхор субх.

Дема шингарфий булут хар ён эрур конлиг момук,  
Тоза догидин эрур мендек магар хунбор субх.

Гам тунин охим шароридин туташти кўкка ўт  
Ким, анинг отин кўюптур гунбади даввор субх.

Кун шуой хатлари эрмаски тутмиш мотамим,  
Юзни анжум тирноги бирла килиб афгор субх.

Сокиё, туткил сабухий бодаким, бу дайрдин,  
Биз кетиб бу навъ толий бўлгуси бисёр субх.

Эй Навоий, истасанг баргу наво бу бог аро,  
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул кеби бедор субх.

309

Зихе азалда карам айлабон санга халлок,  
Карим хилкат ичинда макорими ахлоқ.

Сипехр гунбадини равшан эткали зотинг,  
Чарог ўлуб, анга кандил арсайи офок.

Нужум кўзларини гарди маркабинг ёрутуб,  
Гахеки секритибон чарх сохатида Бурок.

Рикобинг ўпмагининг орзусида ою кун  
Бериб Бурокинг учун ўзларига шакли чанок.

Хилолу меҳру шихоб ўлди наълу доғу алиф,  
Фалакка бўлгали сендин насиб дарди фирок.

Сипехр хар кеча юз минг кўзин недин юммас,  
Висолингга яна бир кеча гар эмас мушток.

Макоминга етайин деб Навоий айлар сайр,  
Гахе Ажам била Нерез, гахе Хижозу Ирок.

322

Эй, деб сифатингда ахли идрок,  
Лав лока ла-мо халакт-ул-афлок.

Афлок нечукки хоки рохинг  
Ул йўлдаки, ожиз ўлди идрок.

Десам афлок эрур туфайлинг  
Басдур гувахим хадиси «лав лок».

Тубий била шохи сидра келди,  
Кадринг чаманида икки хошок.

Ким тутса шафоатинг умиди,  
Бебоклигидин анга не бок.

Чун шоми уруш кайттинг бот,  
Субх этти ёкани гуссадин чок.

Васфингда не айткай Навоий,  
Жуз ажз ила узри мо арафнок.

339

Эй тўкуз торами, ахзар бўлубон жилвагахинг,  
Хайли анжум сипахинг, нури губори сияхинг.

Муждаи васл ила топмай даме ором, магар  
Максади сидк бўлуб бир нафас оромгахинг.

Чарх юз минг кўзи гўё ёруди, тортилибон  
Сурмагун тун ичида сурмасифат гарди рахинг.

Суфийи олами кудсий сену асхоб русул,  
Арши аъло келиб ул хайл учун хонакахинг.

Тах-батах бу тўкуз афлокидин ўтганда эди  
Юкори холик ўлуб, мохалакаллох тахинг.

Эл кўзин нури шафоат била ёрутканингга  
Торткан сурмайи мозог икки кўздур гувахинг.

Эй Навоий, чу шафиъинг ул эрур, бўлди гунох  
Ул малакларгаки, ёзмок тилагайлар гунахинг.

Юсуф эрмас чу малохатда жамолингга шабих,  
Хуснунгга ани малих ўлмагай этсам ташбих.

Одам асрорининг ижмолини килдинг тафсил,  
Мундин эркинки дединг алваладу сирру абих.

Чун берур бог гулу шўра тикон, сен очибон,  
Лутфдин гул нечаким хори жафо урса сафих.

Восил ўлди нафасинг руhini англаб ориф,  
Шаръ тузди, чу анинг зохирини билди факих.

Андаким сен чекибон иззу назохат этагин,  
Йўк жанобингга малойикка махалли танзих.

Хам камар шаккин ишорат била айлаб зохир,  
Хам шажар машин иродат била айлаб танбих.

Кимки сендин эвуруб чехра кора топиб важх  
Ким, хадисингга килиб таън дебон бетавжих.

Ой тулуъ этса бўлур меҳри жамолинг зохир  
Ким, бўлур фахм жамил оллигаким келди карих.

Гар Навоий сари махшарда назар айламанг,  
Сакару нордек ўлгай анга хулду мофих.